

Ўзбекистон Республикаси номидан  
Ҳ У К М

2020 йил август ойининг 17 куни жиноят ишлари бўйича Андижон туман суди ўз биносида, очиқ суд мажлисида, туман судининг судьяси А.Кенжабаев раислигида, судья ёрдамчиси Ш.Юнусовнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Андижон туман прокурорининг ёрдамчиси А.Алимов, жабрланувчи Х.Юлдашева ва унинг вакили-Улуғнор тумани “ULUG`NOR ADOLAT” адвокатлик бюроси адвокати Д.Усмонов, судланувчи Т.У.Х ва унинг ҳимоячилари Пахтаобод тумани “РАХТАОВОД-ОДИЛ” адвокатлик фирмаси адвокати А.Маннонов ва Андижон шаҳар “NUR-ZIYO FEMIDA” адвокатлар ҳайъатининг адвокати Д.Дехқоновларнинг иштирокида Т.У.Хга нисбатан 1-1702-2003/105-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Т.У.Х, 1972 йил 2 августда Избоскан туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, ўзбек, маълумоти ўрта, оилали, 3 нафар фарзанди бор, ишсиз, судланмаган, Избоскан тумани, “Анорзор” МФЙ, [REDACTED] да яшайди, эҳтиёт чораси тариқасида муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини 2020 йил 12 августда олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 109-моддасининг 2-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи, жабрланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Т.У.Х 2020 йил 23 февраль куни соат 13 ларда Избоскан тумани, “Анорзор” МФЙ, “Семруғ” кўчасида кўшниси К.Юлдашевни яшаш уйи ҳовлисидаги симёғочни кўчага олиб чиқиб ўрнатаётганидан ва “Дамас” автомашинасига К.Юлдашевнинг ўғли Т.Юлдашевни шикаст етказганидан жаҳли чиқиб, К.Юлдашев ва унинг оила аъзолари билан ўзаро жанжаллашиб, К.Юлдашевнинг келини Х.Юлдашевани оғиз соҳасига қасддан тош отиб, тош билан бир марта билан уриб, Х.Юлдашевага “бош мия ёпиқ шикасти, бош мия чайқалиши, пастки лаб шиллиқ қаватида лат еб йиртилган, тикилган яра, пастки жағ ўнгдан биринчи тишининг посттравматик синиши, юқори ва пастки лабида қонталаш, бурун-лаб ўнг бурчагида, пастки лабида шилинмалар ва юмшоқ тўқималарининг лат ейиши жароҳатлари, пастки жағ милқларига қон қуйилиши, ўнг кўз ковоқларининг контузияси” каби жароҳатлар билан соғлигининг қисқа вақтга ёмонлашувига сабаб бўлган енгил шикаст етказган.



Судланувчи Т.У.Х судда, айбига қисман иқрор бўлиб, 2020 йил 23 февраль куни тушликка яқин қўшниси К.Юлдашевни ҳовлисида бўлган симёғочни ўғиллари ва қўни-қўшнилари билан кўчага олиб чиқиб ўрнатаётганини кўриб, К.Юлдашевни ўғиллари Т.Юлдашев ва Ш.Юлдашевларга кўча тор бўлиб қолаётганини айтиб, улар билан жанжаллашиб қолгани, шу куни соат 13 ларда турмуш ўртоғи С.Тўхтасинова ўғли А.Хасановни бошқарувида бўлган “Дамас” автомашинасида онасининг уйига бориш учун уйдан чиқиб кетгани, бироздан сўнг бақир-чақир овозларини эшитиб, ўғли И.Тухтасинов билан кўчага чиққанида, ўғли А.Хасановни автомашинасини орқага ҳаракатлантириб келаётганини кўргани, шунда ўғли А.Хасановдан К.Юлдашевларни уйи олдидан автомашинада онаси билан ўтиб кетаётганида, К.Юлдашевни ўғли Т.Юлдашев ва Ш.Юлдашевлар автомашина йўлини тўсиб, Т.Юлдашев автомашинани тепиб, болта билан уриб, автомашинага шикаст етказганини сўраб билгани, бундан жаҳли чиқиб, ўғли А.Хасанов ва И.Тухтасиновлар билан К.Юлдашевни уйи томон борганларида, қўшнилари К.Юлдашевнинг оила-аъзоларини уйига киргизиб юбориб, дарвозасини беркитиб қўйишгани, шу вақтда ўғиллари А.Хасанов ва И.Тухтасиновлар билан К.Юлдашевнинг уйига тош отиб, дераза ойналарини синдириб юборишгани, ўзининг отган тошларидан бири К.Юлдашевнинг келини Х.Юлдашевага тегиб, унга жароҳат етказгани, Х.Юлдашевага тош билан жароҳат етказмоқчи бўлмагани, у билан низолашмагани ва унга нисбатан ҳеч қандай адовати бўлмагани, аслида К.Юлдашевни уйининг дераза ойналари ва томи шиферларини тош билан синдирмоқчи бўлгани, Х.Юлдашева ва Ш.Юлдашевлар ҳовлида турганини кўрмагани, содир этган қилмишидан пушаймонлиги, енгиллик берилиши ҳақида кўрсатув берди.

Жабрланувчи Х.Юлдашева судда, 2020 йил 23 февраль соат 13 ларда қайнотаси К.Юлдашевнинг уйига сут олиб келиш учун борганида Т.У.Х ўғиллари билан бирга қайнотасининг оила-аъзолари билан ўзаро жанжаллашиб қолганини билгани, шу орада кўчада бақир-чақир бўлиб қолгани сабабли қўшнилари дарвозани беркитиб олишларини айтганлари, бироздан сўнг қайноғаси Т.Юлдашев кўчада сувга ивитиб қўйилган сомонни ҳайвонларига бериш учун олиб кирмоқчи бўлиб кўчага чиқиб, дарҳол уйга қайтиб кириб, Т.У.Хни ўғли А.Хасанов “Дамас” автомашинасида бостириб юбормоқчи бўлганида, ўзини ҳимоя қилиб, уйга қочиб кирганини айтгани, шу вақтда Т.У.Х ва унинг ўғиллари уйи ва ҳовлига қарата тошлар отганлари, шу орада ҳовлининг четидаги кўча девори бузилиб, мато тўсиб қўйилган жойидан нарироқда турган Т.У.Хга ўғилларини олиб уйига кетишини, қайноғаси Ш.Юлдашевга кўчага чиқмаслигини айтиб, Ш.Юлдашевни қўлидан маҳкам ушлаб турганида, Т.У.Х шу мато тўсиб қўйилган жойдан уларга қарата бир неча маротаба тош отгани, Т.У.Х тош отаётганида уларни кўриб тургани, отган тошларидан бири унинг оғзига тегиб, жароҳат етказгани, натижада Избоскан туман шошилинич тез ёрдам бўлимида 10 кун, Андижон Давлат



Тиббиёт институти клиникасида 6 кун даволангани, турмуш ўртоғининг оёғи чўлоқ бўлиб, ҳеч қаерда ишлай олмаётгани сабабли бир ўзи рўзгор тебратиб келаётган бўлгани, даволанишига ҳам қайнотаси К.Юлдашев қорамолини сотиб, пул сарфлагани, Т.У.Х тош билан урганидан битта тиши синган бўлсада, тошнинг зарби натижасида барча тишлари яроқсиз ҳолга келиб қолгани, соғлиги ёмонлашиб, ишга чиқолмай қолганидан руҳий азоб чеккани, ҳозирга қадар соғлиги тўлиқ тикланмагани, шу сабабли Т.У.Хдан 6.195.000 сўм моддий, 6.000.000 сўм маънавий, жами 12.195.000 сўм зарар ундириб, унга қонуний чора кўрилиши ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Ш.Юлдашев судда, 2020 йил 23 февраль куни тушликка яқин яшаш уйи ҳовлисидаги электр токи ўтган симёғочни тегишли жойдан рухсат олиб, оила-аъзолари ва маҳалладошлари билан кўчага олиб чиқиб ўрнатганларидан сўнг бу ишга ёрдам берганлар уйига тушлик қилиш учун кириб кетишгани, шунда симёғоч симларини маҳкамлаётганида, Т.У.Хнинг ўғли А.Хасанов ва И.Тухтасиновлар симёғочни кўчага олиб чиқилгани юзасидан жанжаллашиб, ҳақорат қилиб, елкасига қўли билан уришгани, шунда уларни қўшнилари ажратиб қўйишгани, шу тариқа Т.У.Х ҳам келиб, ўғиллари билан бирга оила-аъзолари билан уйигача кириб, жанжал қилиб, ҳақоратлаб, уришиб чиқиб кетгани, қўшнилари уларни ажратиб, уйдан чиқариб юборишгани, бироздан сўнг акаси Т.Юлдашев сувга ивитиб қўйилган сомонни ҳайвонларига бериш учун олиб кирмоқчи бўлиб кўчага чиққанида, Т.У.Хнинг ўғли А.Хасанов бошқарувидаги “Дамас” автомашинада акаси Т.Юлдашевни бостириб юбормоқчи бўлгани, акаси Т.Юлдашев эса ўзини ҳимоя қилаётиб, автомашинани эшик қисмига оёғи тегиб кетгани, бу ҳолатни акасини уйига етаклаб олиб кириб кетаётганида сўраб билгани, бироздан сўнг Т.У.Х ўғиллари билан уйига қарата тош отишгани, шу орада ҳовлини кўча девори ўрнига парда тўсиб қўйилган жойидан кўчага чиқмоқчи бўлиб ўша томонга кетаётганида, келинойиси Х.Юлдашева кўчага чиқмаслигини айтиб, қўлидан ушлаб олгани, шунда Т.У.Х уларга қарата бир неча маротаба тош отгани, отган тошлардан бири келинойиси Х.Юлдашевани оғзига тош отиб, унга жароҳат етказгани, Т.У.Х ва уни ўғиллари уйига тош отиб, мулкларига шикаст етказиб, пичоқ ва лом билан дарвозасини очиб, уйига кирмоқчи ҳам бўлишгани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Т.Юлдашев судда, 2020 йил 23 февраль куни яшаш уйи ҳовлисидаги электр токи ўтган симёғочни тегишли жойдан рухсат олиб, оила-аъзолари ва маҳалладошлари билан кўчага олиб чиқиб ўрнатишга киришганларида, сим олиб келиш учун кетгани, қайтиб келганида, Т.У.Х симёғочни кўчага олиб чиқиб ўрнатилиши юзасидан отаси К.Юлдашев билан жанжаллашиб, отасини ҳақорат қилиб чиқиб кетганини билгани, шу тариқа симёғочни кўчага ўрнатганларидан сўнг бу ишга ёрдам берганлар билан уйига тушлик қилиш учун кириб кетганларида, укаси Ш.Юлдашев симёғоч симларини маҳкамлаётган бўлгани, шунда Т.У.Х ва ўғиллари укаси Ш.Юлдашев билан симёғочни кўчага олиб чиқилгани юзасидан



жанжаллашиб, ҳақорат қилиб, укасини ураётганини билиб, кўчага чиқиб уларни ажратганида, Т.У.Х ҳақорат қилиб, ўғли А.Хасанов билан уни ҳам ургани, уларни кўшнилари ажратиб қўйишгани, бироздан сўнг сувга ивитиб қўйилган сомонни ҳайвонларига бериш учун олиб кирмоқчи бўлиб кўчага чиққанида, Т.У.Хнинг ўғли А.Хасанов бошқарувидаги “Дамас” автомашинасида устидан бостириб юбормоқчи бўлгани, шунда ўзини ҳимоя қилаётганида автомашинани эшик қисмига оёғи тегиб кетгани, бироздан сўнг Т.У.Х ўғиллари билан уйига қарата тош отишгани, шу орада ҳовлини кўча девори ўрнига парда тўсиб қўйилган жойидан укаси Ш.Юлдашев кўчага чиқмоқчи бўлиб ўша томонга кетаётганида, келинойиси Х.Юлдашева кўчага чиқмаслигини айтиб, укасининг кўлидан ушлаб олгани, шунда Т.У.Х уларга қарата бир неча маротаба тош отгани, отган тошлардан бири келинойиси Х.Юлдашевани оғзига тош отиб, унга жароҳат етказгани, Т.У.Х ва уни оила-аъзолари уйига тош отиб, мулкларига шикаст етказиб, пичоқ ва лом билан дарвозасини очиб, уйига кирмоқчи ҳам бўлишгани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Д.Тўхтасинов судда, 2020 йил 23 февраль куни тушликдан аввал К.Юлдашевни уйи ҳовлисида бўлган симёғочни К.Юлдашев ва бошқа кўшнилари билан кўчага кўчириб олиб чиқишаётганида, Т.У.Х келиб, симёғочни кўчага олиб чиқилган тақдирда кўча торайиб кетаётганини айтиб, К.Юлдашевни ҳақоратлаб, уйига кетгани, бироздан сўнг Т.У.Х яна келиб, К.Юлдашевни ҳақоратлагани, шу тариқа симёғоч кўчага ўрнатилгани, шу орада Т.У.Х ўғиллари билан бирга К.Юлдашевни ўғли Т.Юлдашев билан жанжаллашиб, уришиб кетгани сабабли уларни ажратгани, Т.У.Х фарзандлари билан К.Юлдашевни уйига тошларни отишганида уларни бундай қилмасликларини айтиб, уйига киргизиб юбориб, К.Юлдашевни уйига тушлик қилиш учун кириб кетишгани, Т.У.Хлар кўчада оила-аъзолари билан яна жанжални давом эттиришгани сабабли К.Юлдашевни уйининг девор ўрнига мато тўсиб қўйилган жойидан кўчага чиққанида, Т.У.Хни ўғиллари билан К.Юлдашевни уйининг дарвозаси томон пичоқ ва темир лом билан кетишаётганини кўриб, К.Юлдашевни ўғилларини уй ичига киргизиб, Т.У.Хни ўғли А.Хасановни кўлидан пичоқни олиб қўйгани, лекин А.Хасанов яна бир кўлида бўлган темир лом билан К.Юлдашевни дарвозасига уриб, К.Юлдашевларни уйдан чиқишларини айтиб, жанжал қилгани, Т.У.Хни яна бир ўғли И.Тухтасинов эса К.Юлдашевни кўча тарафида бўлган дераза ойнасини тош билан синдириб юборгани, шу орада Т.У.Х К.Юлдашевни уйи ҳовлисининг девор ўрнига мато тўсиб қўйилган жойидан ҳовлига қарата бир неча марта тош отганида, тошлардан бири К.Юлдашевни келини Х.Юлдашевани оғзига тегиб, жароҳатлаганини билгани, айнан Х.Юлдашевага тош теккан ҳолатини кўрмагани, шу кунги жанжалда Т.У.Х ўғиллари билан бирга К.Юлдашевни ўғли Ш.Юлдашев ва Т.Юлдашевларни уришганини ҳам кўришгани, Т.У.Хни ўғли А.Хасанов бошқарувида бўлган “Дамас” автомашинасини шикастланган ҳолатини К.Юлдашевни уйда бўлгани сабабли кўрмагани ҳақида кўрсатув берди.



Гувоҳ И.Тухтасинов судда, 2020 йил 23 февраль куни тушликдан аввал кўшниси К.Юлдашев уйи ҳовлисидаги электр токи ўтган симёғочни ўғиллари ва кўни-кўшнилари билан кўчага олиб чиқиб ўрнатишаётганида, отаси Т.У.Х К.Юлдашевларга кўча торайиб кетиб, кўчадан транспорт воситаси ўтишга қийналиши мумкинлигини айтганида, К.Юлдашевни ўғли Ш.Юлдашев ва Т.Юлдашевлар отасини ҳақоратлаб, Т.Юлдашев тош билан отаси Т.У.Хни урмоқчи бўлганида, укаси А.Хасанов Т.Юлдашевни кўлини қайириб, ерга йиқитиб, Т.Юлдашевни кўлидан тошни олиб қўйгани, шу вақтда кўшнилари уларни ажратиб қўйишгани, бироздан сўнг укаси А.Хасанов бошқарувидаги “Дамас” автомашинасида онаси билан бирга кўчага чиқиб кетиб, автомашинани К.Юлдашевни уйи тарафдан ортига ҳаракатлантириб келаётганини кўриб, ундан нима бўлганини сўраганида, К.Юлдашевни ўғли Т.Юлдашев ва Ш.Юлдашевлар автомашинани йўлини тўсиб, автомашинани тепиб, автомашинага шикаст етказганини билгани, бундан жаҳли чиқиб, отаси Т.У.Х ва укаси А.Хасановлар билан К.Юлдашевни уйи томон борганида, кўшнилари Т.Юлдашевларни уйига киргизиб юборганлари, шунда укаси А.Хасанов тош отиб, К.Юлдашевни кўча тарафдаги дераза ойнасини синдириб юборгани, ҳақиқатда отаси Т.У.Х ҳам бўлиб ўтган ишлардан жаҳли чиқиб, тош отганида, тош К.Юлдашевнинг келини Х.Юлдашевага тегиб кетгани ҳақида кўрсатув берди.

Гувоҳ Ф.Абдиллаев судда, гувоҳ Д.Тўхтасиновни кўрсатуви мазмунида ўхшаш кўрсатув берди.

Суд-тиббий экспертизасининг 2020 йил 25 февралдаги №967-сонли хулосасида Х.Юлдашевада “бош мия ёпиқ шикасти, бош мия чайқалиши, пастки лаб шиллиқ қаватида лат еб йиртилган, тикилган яра, пастки жағ ўнгдан 1-тишини посттравматик синиши, юқори ва пастки лабида қонталаш, бурун-лаб ўнг бурчагида, пастки лабида шилинмалар ва юмшоқ тўқималарини лат ейиши жароҳатлар, пастки жағ милкларига қон куйилиши, ўнг кўз қовоқларини контузияси” аниқлангани, ушбу жароҳатлар соғлиқнинг қисқа вақт бузилишига олиб келган енгил жароҳатлар даражасига кириши кўрсатилган.

Суд, судланувчи Т.У.Хнинг айби юқоридагилардан ташқари жабрланувчининг аризаси, судланувчининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар билан исботланган деб топади.

Ишда аниқланган ҳолатларга кўра, Т.У.Х кўшниси К.Юлдашев ва унинг ўғиллари Т.Юлдашев ва Ш.Юлдашевлар билан ҳовлисидаги симёғочни кўчага олиб чиқиб ўрнатаётгани юзасидан жанжаллашиб, жанжал давомида К.Юлдашевнинг ўғли Т.Юлдашев автомашинага шикаст етказганидан жаҳли чиқиб, бунга жавобан К.Юлдашевнинг оила аъзолари ва мулкига зарар етказиш мақсадида ҳаракат қилиб, уларнинг ҳовлисини девор ўрнида парда билан тўсиб қўйилган жойидан ҳовлида Ш.Юлдашев, Т.Юлдашев ва Х.Юлдашевлар турганини кўргани ҳолда уларга қарата бир неча маротаба тош отган.



Ушбу ҳолатлар дастлабки тергов ва судда сўралган гувоҳлар ва жабрланувчи Х.Юлдашевнинг кўрсатувлари билан ўз тасдиғини топган.

Шунга кўра, суд Т.У.Хнинг К.Юлдашевларнинг дераза ва томи шиферларига қарата тош отгани, айнан бирор шахсга шикаст етказиш мақсадида ҳаракат қилмагани, тош отаётган вақтида Х.Юлдашевани кўрмагани ҳақидаги важлари жавобгарликдан қутулиш мақсадида ўйлаб топган важлари сифатида баҳолаб, уларни рад қилади.

Суд, Т.У.Хнинг ҳовлида турган Ш.Юлдашев ва Т.Юлдашев ва Х.Юлдашевларни кўргани ҳолда уларга қарата тош отиб, тошлардан бири Х.Юлдашевага тегиб, тан жароҳати етказишда ифодаланган ҳаракатларини баҳолашда Т.У.Х жабрланувчи Х.Юлдашева билан ўзаро жанжаллашмагани, унга жароҳат етказиш нияти бўлмагани, отаётган тошлари айнан Х.Юлдашевага қаратилмагани аниқланган бўлсада, Т.У.Х содир этаётган қилмишининг хавfli хусусиятини англаган, унинг ижтимоий хавfli оқибатларига кўзи етган ва юз беришига онгли равишда йўл қўйган деб ҳисоблаб, унинг Х.Юлдашевага жароҳат етказишдаги ҳаракатларини қасдан содир этилган деб баҳолайди.

Суд, Т.У.Хнинг жабрланувчи Х.Юлдашевага қарата тош отиб, қасдан шикаст етказиб, унга соғлиқнинг қисқа вақт, яъни олти кундан ортиқ, аммо йигирма бир кундан кўп бўлмаган муддатга ёмонлашувига сабаб бўлган енгил шикаст етказишда ифодаланган жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 8-моддасида жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавfliлик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги қарорининг 3-бандида Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавfliлик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги, 5-бандида судлар ижтимоий хавfli катта бўлмаган, шунингдек унча оғир бўлмаган жиноятларни содир этишда айбдор деб топилган ва жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузалиши мумкин бўлган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазолар тайинлаш учун қонунда мавжуд бўлган барча имкониятлардан тўлиқ фойдаланишлари кераклиги ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Т.У.Хга жазо тайинлашда, у томонидан содир этилган жиноят ўз хусусияти ва ижтимоий хавfliлик даражасига кўра ижтимоий хавfli катта бўлмаган жиноятлар тоифасига киришини, унинг қилмишидан пушаймонлигини, муқаддам судланмаганини жазони



енгиллаштирувчи ҳолатлар деб топиб, жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмас деб ҳисоблаб, уни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан тузатилиши мумкин деган хулосага келиб, жиноят оқибатида етказилган зарарлар қопланмагани, жабрланувчининг даъвоси ва унга нисбатан қонуний чора кўрилиши ҳақидаги талабани эътиборга олиб, қонун санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим топди.

Суд, жиноят оқибатида етказилган моддий ва маънавий зарарлар масаласини ва жабрланувчи Х.Юлдашевнинг зарарларни ундириш ҳақидаги даъвосини муҳокама қилиб, жабрланувчи томонидан тақдим этилган даволаниши учун сарфланган харажатларни тасдиқловчи тўлов чеклари ва маълумотномалари асосида ҳозирда қадар даволаниш учун 2.520.214 сўм сарфлагани, шунингдек келгусида тишларини даволатиш учун 1.298.000 сўм талаб этилиши ҳақидаги шифохона маълумотномаси эътиборга олиб, Т.У.Х томонидан содир этилган жиноят оқибатида жабрланувчи Х.Юлдашевага 3.818.214 сўм моддий зарар етказилган деб топиб, моддий зарар учун 3.818.214 сўм ундиришни;

Х.Юлдашева олган жароҳати оқибатида соғлиги ёмонлашиб, ишга чиқолмай қолганидан, ҳозирга қадар соғлиги тўлиқ тикланмаганидан руҳий азоб чекканини, унга нисбатан енгил тан жароҳати етказилганини, ҳозирда меҳнатга лаёқатли эканлигини эътиборга олиб, унга етказилган маънавий зарарни 1.000.000 сўм деб баҳолаб, Т.У.Хдан Х.Юлдашева фойдасига маънавий зарар учун 1.000.000 сўм ундиришни, киритилган даъвони қисман қаноатлантиришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

#### Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Т.У.Х Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

Т.У.Хга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 109-моддаси 2-қисми билан ҳар ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 1 (бир) йил 9 (тўққиз) ой ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.

Ахлоқ тузатиш ишлари жазоси ички ишлар органлари томонидан белгиланган жойларда ўтатирилиб, жазо муддати Т.У.Х жазони ўташ учун юборилган қорхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Жазо ижросини назорат қилиш Избоскан туман ИИБ Пробация гуруҳи зиммасига юклатилсин.

Т.У.Хга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қонуний кучга киргандан сўнг бекор қилинсин.



Судланувчи Т.У.Хдан жабрланувчи Х.Юлдашева фойдасига жиноят оқибатида етказилган моддий зарар учун 3.818.214 сўм, маънавий зарар учун 1.000.000 сўм, жами 4.818.214 сўм ундирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ва жабрланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб ўн сутка ичида жиноят ишлари бўйича Андижон вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят келтиришга ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи

А.Кенжабаев

